**Ушбу сонда:**

2 — *Ижтимоий ҳимоя* — ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА ЎЗ ВАҚТИДА
3 — *Қаҳрамонлар орамизда* — ҚИЗИЛҚУМ БАҲОДИРЛАРИ
8 — СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 феврал, сешанба №25-26 (1243)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҚАДРДОНЛАР

- Ҳудудимизда олтита маҳалла, 28 та қишлоқ мавжуд, - деди Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунпўлат Адизов "Туркистон-пресс"мухбирига.

- Ўтган йили кам таъминланган ва нафақага муҳтож оилаларга давлатимиз меҳрибонлиги билан 52 миллион 383 минг сўмлик ёрдам пули берилди. Қишлоқ фуқаролар йиғини саъй-ҳаракати билан Қосим Қобилов номли ва "Деҳқонобод" ширкат хўжаликларидаги иккита умумтаълим ўрта мактабларнинг ҳар бирига 320 ўриндан иборат қўшимча синф хоналари қуриб берилди.

Т. Адизовнинг таъкидлашича, Ванғози марказидаги 16-асрда қурилган ва бугунга қадар асраб-авайлаб келинаётган "Томачи" мажмуи ва минора қайта таъмирланиб, сайқал берилмоқда.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 феврал куни Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпингни қабул қилди.***

- Биз Германияни Ўзбекистоннинг ишончли шериги, деб биламиз. Икки томонлама ҳамкорлигимиз мустаҳкам ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳуқуқий пойдевор устига қурилган, - деди Ислом Каримов учрашувда.

Германия Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик лойиҳаларни замонавий технологиялар билан таъминлаб, иқтисодиётимизга сармоя киритишда фаол қатнашмоқда ва шу орқали мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

11 сентябр воқеаларидан кейин икки томонлама муносабатларда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутяпти. Бу борадаги алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг биринчи босқичи муваффақият билан якунланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бунда аксилтеррор коалициясининг аъзоси бўлмиш Германиянинг аҳамияти ҳам катта бўлди.

Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпинг Ўзбекистоннинг жафокаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

*Ислоҳот инсон учун*

***Вазирлар Маҳкамасининг аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорида оилаларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш асосий вазифа қилиб қўйилган.***

# ТУМАН МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастурида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаши, хавфсиз шароит, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат билан таъминланиши ва бошқа ҳуқуқларини амалга оширилишига алоҳида эътибор берилган.

Туман марказий шифохонаси раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш тадбирлари аниқ белгиланган.

Қишлоқ жойларида тиббиёт муассасаларининг хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг дори-дармонлар ва тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланиши қатъий назоратга олинган.

Тумандаги 50 та қишлоқ тиббиёт шоҳобчаси, 4 та ҳудудий поликлиника, 1 та амбулатория аҳоли хизматида. Шифохоналарга малакали шифокорлар ва ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари жалб қилинган.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва пуллик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида 8 та хусусий шифохона ташкил этилди. Кардиология, кўз касалликлари, терапия, травма-ортопедия, педиатрия, тери-таносил, неврология йўналишларидаги «Туйғун», «Чашм», «Ибн Сино», «Ортопед», «Азизбек» каби хусусий шифохоналар фаолияти анча яхшиланди.

Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги 10 та жарроҳлик, 10 та гинекология ўринлари, 6 та тиш даволаш кабинетлари очилди. Бепул кафолатланган бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун 60 ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлими ишга туширилди. Айни пайтда беморларга 26 нафар тажрибали шифокор намунали хизмат кўрсатаяпти.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш ниятида туман туғруқхонаси қайтадан таъмирланди ва замонавий тиббиёт асбоблари билан жиҳозланди.

Беморлар У.Тешаев, А.Эгамов каби қўли енгил жарроҳлар, Б.Олимова, Г.Назирова сингари тажрибали акушер-гинекологлар, Б.Насриддинов, Ш.Содиқовдек моҳир терепевтларнинг саъй-ҳаракати туфайли шифо топмоқдалар.

Касаба уюшма қўмитаси ходимлар учун ажратилган барча қўшимча имтиёз ва кафолатларни қўлланишини қатъий назоратга олган. Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш учун иш ҳақи, пенсия, нафақалар тўлови ўз вақтида амалга оширилаяпти.

Жамоа шартномасига кўра 2 ва ундан ортиқ ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларнинг меҳнат таътилига 3 кун қўшиб берилмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар ва ўқув қуроллари сотиб олишига 100 минг сўм, иқтисодий аҳволини яхшилаши учун 90 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 17 нафар аёл турли санаторий ва профилакторийларда соғлигини тиклади.

Зарарли шароитда ишловчи тиббиёт ходимларига бепул сут ва сут маҳсулотлари, махсус кийим-кечак ҳамда ҳимоя воситалари бериб борилаётир. Самарали фаолият кўрсатган касаба уюшма фаолларидан бир гуруҳига 73 минг сўм мукофот пули ажратилди.

**Ф.ҲАМИДОВ,**
**Ғиждувон тумани марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

Газетамизнинг 2001 йил 27 ноябр сонида босилган «Ишчи бўшашга ариза берди...» сарлавҳали мақолада «Урганч қурилиш материаллари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш суръати бир маромда эмаслиги сабабли маошлар ўз вақтида берилмаётгани ва бунинг оқибатида кадрлар қўнимсизлиги юзага келганлиги каби ҳолатлар танқид остига олинган эди.

Мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга йўлланган жавобда таъкидланишича, газета чиқишида билдирилган фикрлар, кўрсатилган далиллар тўғри деб топилган. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси деворбоб ашёлар бўлими менежери С.Рихсиев, бош энергетиги Қ.Жўраев, кузатув кенгаши аъзолари ва Хоразм вилоят ҳокимлиги масъул вакиллари текшириш якунларидан сўнг шундай хулосага келишди.

Корхонани ночор молиявий аҳволга тушиб қолишида айбдор деб ҳисобланган «Урганч қурилиш материаллари» жамияти раиси О.Дусумов ва кузатув кенгаши раҳбари Ш.Бобоевлар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилдилар. Улар ўрнига тайинланган раҳбарлар корхона иқтисодий аҳволини яхшилаш, ишчиларга маошларини вақтида бериб бориш учун барча имкониятни ишга солмоқдалар.

*Матбуот сўзининг таъсирчан кучи*

**С.ЭРГАШЕВ,**
**«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари.**

*XIX қишки Олимпия ўйинлари кундалиги*

# ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР, ЯНГИ РЕКОРДЛАР

***Дунё спортида жуда катта нуфузга эга бўлган Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳар қандай спортчининг энг юксак орзуси саналади. Зотан, бу каби мусобақаларда мамлакат байроғининг мардонавор ҳилпираши ўша юрт довруғига довруғ қўшиши шубҳасиз.***

АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида XIX қишки Олимпия ўйинлари кун сайин қизғин тус олмоқда. Маълумки, бугун бутун дунё нигоҳини ўзига қаратган мазкур мусобақада Ватанимиз шарафини олти нафар тажрибали спортчимиз ҳимоя қилмоқда. Дастлабки баҳсларда ҳамюртларимиздан фигурали учиш бўйича Евгений Свиридов — Наталья Понамарёва жуфтлиги ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. Гарчи вакилларимиз совринли ўринларни қўлга киритишмаган бўлса-да, уларнинг чиқишлари кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Агар энг кўп спортчилари билан иштирок этаётган АҚШ, Россия, Германия, Норвегия, Швейцария, Франция каби мамлакатлар билан таққослангандa ҳам фигурали учиш усталаримизнинг кўрсатган натижаларидан қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Бинобарин, қишки Олимпия ўйинларининг дастлабки икки кунида ўтказилган мусобақаларда медал жамғаришда айнан ушбу мамлакатлар вакиллари етакчилик қилмоқда. Шунингдек, илк беллашувларда Германия, Финляндия, Швейцария, Италия, Нидерландия, Норвегия, Австрия ва Испания олимпиячилари ҳам ўз терма жамоалари ҳисобига дастлабки олтин медалларни келтирди. Ўз эгаларини топган тўққиз медалдан битта олтин ва икки кумушга эга бўлиб турган мезбонлар ҳозирча терма жамоалар ўртасида пешқадамлик қилмоқда.

Қишки Олимпиаданинг совриндорларини тақдирлаш маросими тантанали равишда ташкил этилаётир. Илгари спортчилар мусобақа тугаши билан тақдирланган бўлса, бу сафар медаллар Солт-Лейк-Ситидаги махсус майдончада, 20 минг мухлис гувоҳлигида топширилмоқда.

Дарвоқе, олимпиаданинг илк кунидаёқ янги рекорд натижалар қайд этилди. Дастлаб америкалик Дерек Паррой 5 минг метрга югуришда 6 дақиқа 17,98 сония натижа билан жаҳон рекордини ўрнатган бўлса, бир неча дақиқадан сўнг нидерландиялик Й.Айтдехаге шунча масофани 6 дақиқа 14,66 сонияда босиб ўтиб, Д.Паррой кўрсаткичини янгилади. Германиялик спортчи Йенс Боден эса худди шу масофага югуришда 6 дақиқа 21,73 сония натижа кўрсатиб янги олимпия рекордини ўрнатди.

Қишки олимпиада мусобақалари давом этмоқда.

# «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ

## тадбиркор мушкулини осон этишда муҳим рол ўйнамоқда

***Бугунги кунда тадбиркорликка кенг йўл берилган. Омилкорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бироқ тегишли идораларнинг улар фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашиши, ноқонуний текширувлар тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда.***

***Қуйида шулар хусусида гап боради.***

Собир Раҳимов тумани ҳокимининг 2000 йил 22 декабрдаги 1143-сонли қарорига биноан якка тадбиркор Н.Ҳошимовга тегишли бўлган Ўразбоева кўчасининг 21-уйида жойлашган 30,63 квадрат метрли дўкон бузиб ташланган. Афсуски, мазкур қарорда дўконни қуриш учун кетган сарф-харажатлар ким томонидан тўланиши тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб киритган даъво аризаси Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2001 йил 24 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилди. Натижада, жавобгарлар туман ҳокимлиги ва «Қорақамиш универсал бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан тадбиркор Н.Ҳошимов фойдасига маънавий ва моддий зарар — 845.883 сўм ундириб берилди.

Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги «Ғойибназар бобо» фермер хўжалиги раҳбари Х.Темиров ва «Очил бобо» фермер хўжалиги раҳбари Б.Очиловалар адлия бошқармасига йўллаган аризаларида вилоят ер ресурслари бошқармаси ва туман ер ресурслари хизмати ходимлари томонидан ноқонуний текширув ўтказилганлигини маълум қилишган. Аризани ўрганиш чоғида, унда қайд этилган ҳолатлар тўлиқ ўз исботини топди. Ҳақиқатан ҳам вилоят ер ресурслари бошқармаси ходими Р.Мансуров ва туман ер ресурслари хизмати бошлиғи С.Қурбонов 2001 йил август ойида «Ғойибназар бобо» ва «Очил бобо» фермер хўжаликларида ваколатли органнинг рухсатисиз, ноқонуний текширув ўтказишган. Адлия бошқармасининг таклифига кўра, суд томонидан улар энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида маъмурий жаримага тортилди.

Челак туманидаги «Сафар» фермер хўжалиги раҳбари М.Қодиров ўз аризасида туман ҳокимининг қарорига асосан фермер хўжалигига ажратилган ер майдони П.Нурманов номли ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан берилмаётганлиги сабабли моддий ва маънавий зарар кўраётганлигини билдирган.

Адлия бошқармаси томонидан ушбу ариза ўрганилиб, тегишли чора кўрилди, яъни 2001 йил 19 феврал куни 381.037 сўм моддий ва 200.000 сўмлик маънавий зарар туман ер ресурслари хизмати бошлиғи С.Рашидов, ширкат хўжалиги собиқ раиси З.Тоғаев, ширкат хўжалигининг раиси Қ.Рўзиев, собиқ ер тузувчи П.Холмаматов ва ҳозирги ер тузувчи Х.Исаевнинг киссасидан ундирилди.

«Ишонч» телефонлари ҳам тадбиркорларнинг жонига аро кирмоқда. Хусусан, улар телефон орқали ноқонуний текширувчилар ҳақида мувофиқлаштириш кенгашини хабардор қилишмоқда. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги «Эл» хусусий фирмаси раҳбари ана шу телефон орқали мурожаат этиб, шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари текширув давомида унинг ҳужжат ва товарларини олиб қўйганлигини маълум қилган. Солиқ инспекцияси ходимлари ноқонуний, яъни ваколатли органнинг тегишли рухсатномасисиз текширув ўтказгани аниқланди. Вилоят адлия бошқармасининг таклифига биноан Чирчиқ шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Шомиров, ходимлари Б.Раимов, Д.Тошметов ва Р.Ашуров суд қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг ҳар бирига 7350 сўмдан жарима белгиланди. Айбдор шахслардан 200000 сўм моддий ва 500000 сўм маънавий зарар тадбиркор фойдасига ундириб берилди.

Шунингдек, Фарғона вилоят Адлия бошқармаси «Ишонч» телефонига «Ал-Исломий» хусусий фирмаси раҳбари М.Мирзаев мурожаат қилиб, Фарғона вилоят транспорт прокуратурасининг фирма молиявий фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни ноқонуний талаб қилаётгани ҳақида хабар берган эди. Адлия бошқармаси аралашувидан сўнг ҳужжатлар қайтарилиб, тақдимномага асосан қонунбузилишга йўл қўйган прокуратура терговчиси Б.Мусаев интизомий жавобгарликка тортилди.

2001 йил 14 феврал куни Адлия вазирлиги «Ишонч» телефонига «Кучли қадам» хусусий фирмаси раҳбари М.Болтабоев мурожаат қилиб, С.Раҳимов туман Давлат солиқ инспекцияси суриштирувчиси томонидан асоссиз равишда ҳужжат талаб қилаётганлигидан норози бўлган. Адлия вазирлиги ходимларининг тезкор аралашувидан сўнг, тадбиркорга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўхтатилди.

Жиззах вилоят Адлия бошқармаси «Давтехназорат» Зомин туман инспекцияси бош мутахассиси Ш.Турдибеков ноқонуний равишда, яъни назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли рухсатномасисиз «МТП» ҳиссадорлик жамиятида 4 маротаба, «Молгузар» ва «Оқар» ширкат хўжаликларида бир маротабадан текшириш ўтказганлигини аниқлаган. Адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан Ш.Турдибеков эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Тўрақўрғон туман ДСЭНМ санитария врачи С.Қўчқоров «Иқбол» хусусий фирмаси фаолиятини ноқонуний текшириб, унинг фаолиятини тўхтатиб қўйганлиги аниқлангач, Наманган вилояти Адлия бошқармаси даъво аризаси билан айбдор шахсдан моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Риштон туман давлат ёнғин назорати нозири З.Дадабоев қонуний асосларга эга бўлмай туриб, «Шифобахш» хусусий фирмаси новвойхонасини муҳрлаган. Натижада беш ой давомида новвойхонанинг фаолияти тўхтатилган. Фарғона вилояти Адлия бошқармаси тадбиркор фойдасига З.Дадабоев ҳисобидан 10000 сўм моддий ва 5000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси киритган. Суд жараёнида З.Дадабоев ноқонуний хатти-ҳаракатларини тан олиб, ихтиёрий равишда тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлади.

**Бахтиёр АМИНОВ,**
**Адлия вазирлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш бошқармасининг катта маслаҳатчиси.**
**Ортиқ САИДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР 2002 йил учун

7

ҳисобчи билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

6.3. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш. Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар мезонлари.

6.4. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.5. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.

6.6. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларни сонини чегаралаш, ўриндошликни таъқиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари.

6.7. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар тоифаларининг рўйхати.

### VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

— нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун; (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

8

— 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)

— уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228*-моддасига биноан: 35 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги.

7.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

7.5. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати .

7.6. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

7.7. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

7.8. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (хатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи.

7.9. Йиллик таътиллар учун ҳақ тўлаш муддатлари.

7.10. Болалик аёл ходимлар учун:

— болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;

— икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби.

7.11. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.

7.12. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари.

### VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

9

### IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши.

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш.

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқ)даги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш.

### X. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

10.1. Болалик аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар.

Молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, аввалги йилларда ўрнатилган қуйидаги имтиёзларни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир:

— болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларига йўлланмалар қийматини қисман қоплаш;

— ходимлар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формасини харид қилиш;

— ходимлар фарзандлари спорт секцияларида шуғулланишлари харажатларини қоплаш;

— болалик аёлларга қисқартирилган иш куни ёки қўшимча дам олиш куни берилишини таъминлаш;

— штатлари қисқартирилганда болалик аёлларга ишда қолдиришда афзаллик бериш;

— корхона ҳисобидан туғиш таътилларини ҳомиладорликнинг 5-6 ойидан бошлаб бериш;

— 2 ёшдаң 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санаторий-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо.

10.3. 2002 йил «Қарияларни қадрлаш» йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидаги имтиёзларни жорий этиш тавсия этилади:

— мазкур корхонадан пенсияга чиққан ишламайдиган пенсионерларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб бориш, корхонада ўрнатилган ижтимоий имтиёз ва кафолатларни уларга нисбатан ҳам татбиқ этиш, байрам саналари муносабати билан тақдирлаб бориш, уларга уй-жойни таъмирлаш, коммунал хизматлари тўловлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминлаш бўйича ёрдам кўрсатиш;

— меҳнат фахрийларини тақдирлаш тадбирларини ўтказиш;

— юрак, жигар, буйрак ва бошқа касалликлар туфайли рўйхатда турган қарияларга корхона ҳисобидан бепул тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун соғломлаштириш масканларига бепул йўлланма-

10

лар ажратиш;

— мазкур корхонадан пенсияга чиққан боқувчиси йўқ қарияларни рўйхатга олиб, уларга ҳомийлик қилиш;

— меҳнат қилаётган пенсионерларнинг ҳафта давомидаги иш вақтини 1 соатга қисқартириш, уларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар берилишини назарда тутиш.

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш мақсадга мувофиқдир).

### XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш, уларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2. Маданият уйлари, саройлар ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар (шу жумладан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китоби) ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5. Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6. Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7. Меҳнаткашлар фарзандларининг Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика Ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9. Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10. Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11. Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11

11.12. Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларни ва ота-оналарини спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15. Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ва Президент асарлари ва янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17. Тасарруфидаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

11.18. Корхона ва ўқув юртлари қошидаги санаторий-профилакторийларда мактаб ўқувчиларини таътил даврида ўз ота-оналари билан биргаликда стационар ёки амбулатория тарзида соғломлаштириш.

### XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати.

12.2. Меҳнат низолари комиссиясига сайланган ходимларга касабақўм аъзолариникига тенг бўлган ҳуқуқий кафолатлар бериш.

### XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1. Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларининг меҳнат жамоаси аъзоси (акциядор) сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақланиб қолиниши.

13.2. Корхона Устави лойиҳаси хусусида касаба уюшма қўмитаси билан мажбурий равишда келишиб олиш.

13.3. Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма ходимларининг касаба уюшма вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш.

### ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув.
2. Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом.
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
4. Корхонада қабул қилинган тарификация.
5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш

12

тўғрисидаги низом.

6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом.
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда ҳаражатларни қоплаш тўғрисидаги низом.
10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисилаги низом.
11. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати.
12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати.
13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати.
14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари.
15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шаротларидаги касб ва лавозимлар рўйхати.
16. Ички тартиб қоидалари.
17. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати.
18. Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати.
19. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом.
20. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
21. Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси.
22. Қишги-баҳорги ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш режалари.

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузганларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

**Ўзбекистон КУФК бўлимлари.**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ:

## «МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА ТАВСИЯНОМА

### Иш берувчининг мажбурияти

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар ўтказиш учун иш берувчи 20____йилга__________минг(миллион) сўм ажратиш мажбуриятини олади, уларни ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиқади:

цех(бўлим, ишлаб чиқариш)____________минг(миллион) сўм ва ҳ...........

Маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш қуйидагиларга юклатилади:

Иш берувчидан ______________________________

Касаба уюшма қўмитасидан______________________________

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (уларни амалга оширишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси) жамоа шартномасига илова қилинади

2. Ҳар бир жойга мослаб иш шароити тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидалар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак. Иш шароити тартиб қоидалари _______ йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши, ҳар йили ходимларнинг _____фоизини қамраб олиш керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларининг ортиши муносабати, ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартишларни киритиб бориш мажбуриятини олади.

3. Ходимнинг иш жойидаги меҳнат шарт-шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шарт-шароитларнинг ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ишловчини муттасил хабардор қилиб бориши керак. Булар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартибларига, имтиёз ҳамда компенсациялар, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқий аҳволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумот ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши керак.

4. Давлат, тармоқ ва республика стандартларига эга бўлмаган иш жойлари, асбоб-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш (МХСАҚ). Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхона техника хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилади.

5. Биринчи февралгача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиши лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларининг ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланишини назоратга олади.

6. Келгуси йил жамоа шартномасининг бўлимини тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиши ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификацияси биринчи мартгача тузиб чиқилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага топширилади, молия бошқармасига эса уларни маблағ билан таъминлаш топширилади.

7. Техника хавфсизлиги хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув ва кўргазмали қуролларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатлар, хотира қўлланмалари ва ҳоказоларни сотиб олишни ташкил қилади.

8. Корхонани қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар 1 октябргача бажарилиши керак.

9. Санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (қайси бино, хоналарнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгисининг қурилиши бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилиши керак)

10. Ўта хавфли ва зарарли шароитларда ишлаган ходимларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси асосида қўшимча меҳнат таътили берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши керак, шунингдек бепул даволаш-профилактик таом берилиши лозим (илова 1).

11. Зарарли меҳнат шароитида ишлаганларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ қўшимча таътил берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши, шунингдек бепул сут берилиши керак (илова 2):

— сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш меҳнат шароитини санитария-гигиена норма ва қоидалари талабларига тўла мувофиқ келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олади;

— белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20___ йилнинг _________гача топшириш мажбуриятини олади.

12_____сонли иловага мувофиқ ишловчиларга махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситалари ўз вақтида берилиши керак.

Зарур миқдордаги махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларига бўлган буюртманома ўз вақтида, муддатида (1 мартдан кечиктирилмасдан) тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага, молия бошқармасига эса маблағ билан таъминлаш топширилиши керак.

Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ва бошқа ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясининг фақат иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олиши керак.

Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош ва махсус пойабзал ўрнига янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштирилиб берилиши керак.

Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги керак, уларнинг яхши сақланиши ва ўз вақтида таъмирланиши таъминланиши лозим.

13. Ишлаётганлар белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминланиши керак (маблағ бўлса бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар — чой, настойка ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

14. Корхона ҳудуди ҳамиша саранжом-садишта ҳолда сақланиши лозим, ўтиладиган жойларнинг оралиқлари аниқ белгиланган бўлиши, уларга қатъий амал қилиниши, корхона ичидаги ва бўлимлардаги транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

15. Мансабдор шахслар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси, технологик интизом талаб-қоидаларига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирацияларнинг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишлари керак. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўйилмаслиги лозим. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуналар ўз вақтида текширилиб туриши керак.

16. Корхона ходимларининг йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

17. Корхонада малакали хотин-қиз мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўз иши билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

— иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши керак бўлган хотин-қизлар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиниши керак (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва регионда юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);

— хотин-қизлар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;

— ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши муносабати билан малакали хотин-қизлардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўла бўлмаган иш кунига ўтказиш;

— меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган хотин-қизларга уларнинг розилиги билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун унга ёрдам (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) қилиш;

— корхона (структуравий бўлинма) реконструкция қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган хотин-қизлар биринчи навбатда ишга олиниши керак, зарурат бўлганда улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;

— ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни иш вақти 8 соатдан ошадиган ишларга жалб этилмаслик;

— ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишлар ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун рухсат бериш;

— цехларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этиш керак.

### Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия таркиби тасдиқланиши, фаоллар ўқуви (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилиши керак) ўтказилиши керак.

2. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

3. Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида махсус уст-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларига бўлган буюртманомалари кўриб чиқилиши керак, бу тадбир буюртма корхонанинг моддий-техник таъминот органларига ўтказилмасдан аввал қилиниши лозим.

4. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя бошқа муҳофаза воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлиги, улардан албатта фойдаланиши назорат қилиниб борилиши керак.

5. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муттасил текшириб борилиши, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш керак, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши керак.

6. Жамоа шартномаси ва унинг битим бўлимлари лойиҳалари бўйича таклифларни тўплаш ташкил қилиниши ва улар цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар меҳнат жамоалари мажлисларда муҳокама этилиши керак.

7. Цехда меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилаётган, меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ўтказилаётган вақтда жамоа шартномалари ва битимларининг умумкомиссия томонидан қандай бажарилаётганлиги текширилиши керак.

### Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

1. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшмаси органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлигига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса, иш берувчининг позициясига қарши ўлароқ, касаба уюшмаси органининг иш шароитининг ходимлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшмаси органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

2. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол бузса, ходимни шахсий ҳимоянинг зарур воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилмагунча тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

3. Корхона жамоасининг структуравий бўлинмалари бўйича меҳнат муҳофазаси комиссияси миқдорий таркиби аниқланиши, уларнинг сайлови, ўқуви (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказилиши ва тегишли гувоҳномалар берилиши керак.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг энг яхши аъзолари тақдирланиши (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турлари, уларнинг иш якунлари кўрсатилиши керак) керак.

5. Корхона ва унинг структуравий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубининг олиб борилишини таъминлаш.

6. Томонлар моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатишлари лозим, бунда йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга қонун томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг________ миқдорида пул мукофоти берилади.

Юқоридаги кўрсатилган ходимлар тақдирланишга цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишиб номзод меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тавсия этилади.

7. Томонлар шундан келиб чиқадики, шикастланиш, касб касаллиги туфайли ёки ўз вазифасини бажариш натижасида ходимлар соғлиғига етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавоб беради.

Томонлар шунга келишадиларки, корхона ходимига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ унга қуйидагича ҳақ тўлайди:

— шикастланган, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тўғрисидаги 1994 йил 1 февралдаги қоида кўзда тутилганга нистабан_________ фоиз кўп миқдорда бир марта тўланадиган нафақа;

— қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда ______фоиздан ________фоизгача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

— меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак) тўлайди, шунингдек диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;

— иш берувчи, агар жабр кўрган одам шикастланганлари натижасида илгариги ишини қилишга қодир бўлмаса, ДМЭК ёки ВКК хулосасига мувофиқ унинг розилиги билан уни бошқа касбга ўқитиш-ўргатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўқиш давомида жабрланганга аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

*Илова №________*

**Меҳнат муҳофазаси бўйича битим: корхона, муассаса, ташкилот ва ҳоказо**

| № | Тадбирлар (ишлар мазмуни) | Ҳисоботга олиш бирлиги | Миқдори | Ишлар қиймати (минг сўм ҳисобида) | Тадбирларнинг бажарилиш муддати | Ижро учун масъул | Кутилган ижтимоий самара | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Меҳнат шароити яхшиланиши керак бўлган ишловчилар | Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар сони |
| | | | | | | | Жами, шу жумладан хотин-қизлар | Жами, шу жумладан хотин-қизлар |
| | | | | | | | | |

1.
2.
3.
4.
5.

Корхона раҳбари — Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

*Илова №________*

**Касблар ва лавозимлар номи. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар**

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи | Берилиши керак бўлган махсус уст-бош. Махсус пойабзал ва махсус ҳимоя воситаларининг турлари | Ой ҳисобида кийилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

1.
2.
3.
4.

*Илова №________*

**Касблар ва лавозимлар рўйхати. Қўшимча меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш кунини тайинлаш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити зарарли ишлар**

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи | Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак |
|---|---|---|---|
| | | | |

1.
2.
3.

*Илова №________*

**Касблар ва лавозимлар рўйхати. Бепул даволаш-профилактик овқатланиш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити ўта зарарли ишлар**

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи | Овқатланиш рациони |
|---|---|---|---|
| | | | |

1.
2.
3.

*Илова №________*

**Касблар ва лавозимлар рўйхати. Иш кунлари сут ёки бошқа шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладиган касблар, лавозимлар**

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи |
|---|---|---|
| | | |

1.
2.
3.
4.

